

---

## Илғор теримчилар рағбатлантирилди

Бағдод туманида жорий йилги пахта ҳосилини нест-нобут қилмасдан йиғиб-териб олишга алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Илғор теримчиларнинг мунтазам равишда рағбатлантириб борилиши эса мавсум суръатини ошираётир.

Туман ҳокими Юсуфжон Хусаинов "Намуна агротех" ММТП таркибидаги "Боғи Эрам Бағдод" фермер хўжалигида бўлиб, йиғим-терим ишларининг бориши ва теримчиларга яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

- Тунов кунги ёмғир одамларни сал-пал тараддудлантириб қўйди, - дейди фермер Обидахон опа. - Лекин ўша куниям 4 тонна пахта сотдим. Кечадан теримчилар сони яна кўпайди: бугун 100 нафарга яқин теримчи бор далада. Нариги қишлоқдаги овсинларимниям, опа-сингилларимниям хашарга чақирганман. Насиб қилса, бугун 10 тоннадан орттириб пахта сотаман.

Гулҳаёхон Мадумарова мавсум бошланганидан бери ҳар куни 150-160 килодан пахта териб, 2 млн. сўмдан зиёдроқ пулга ишлади. Мактабга қатнайдиغان 2 нафар фарзандининг кийим-кечагидан ортганини рўзғорнинг кам-кўстига ишлатяпти.

19 гектар майдонда парваришланган ғўза бодроқдек очилиб, кўрган кўзни қувнатмоқда. 85 тонна хирмон кўтариши белгиланган фермер опа бу билан қаноатланиб қолмоқчи эмас.

- Ўртача ҳосилдорликни 45 центнерга етказамиз, деб эрта баҳордан бери уннаб ётибмиз, - дейди у. - Теримчилар учун даланинг ўзида тушлик тайёрланяпти, ўчоқда қумғончой вақирлаб турибди. Терим пулларини ҳар 3 кунда тарқатиб беряпмиз. Худо хоҳласа, биринчи теримдаёқ режани бажарамиз.

Туман ҳокими бир гуруҳ илғор теримчиларга эсдалик совғаларини топширди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2022-09-15 15:14:54